

# ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ САКЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА

## ШАРТНОМА № 2Д/С

Бухоро шаҳри

“31” январ 2022 йил

Бизлар, “Бухоро вилояти автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси” номидан, бошқарма Низоми асосида иш юритувчи, бош бошқарма бошлиги Ш. Абдуллоев бир томондан, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, “Бухоро туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” номидан корхона устави асосида иш юритувчи корхона директори У.Рахматов иккинчи томондан, (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади), аниқ манзили ва йўл ишлари рўйхатида тасдикланган 17 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини саклаш ишларини ташкил қилиш бўйича ушбу пурнатномасини туздик.

### I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартлари бўйича ўзига бириктирилган умумий узунлиги 17 км бўлган умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ва ушбу йўллардаги йўл иншоотларини саклаш ишлари бўйича шартномага кўрсатилган муддат давомида доимий равишда хизмат кўрсатади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тұғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига асосан “Пудратчи” га бириктирилган автомобиль йўллари, йўлдаги иншоотлар, жиҳозлар ва мол-мулклар “Пудратчи” нинг ихтиёрида бўлади.

### II.ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси “Пудратчи”нинг 2022 йил 1-чоракда тасдикланган йўл ишларига ажратилган харажатлар сметасига асосан 307 008 000 (уч юз етти миллион саккиз минг) сўмни ташкил этади. Шартномага саклаш ишлари бўйича йул ишлари рўйхати (харажатлар сметаси) илова қилиниб, булар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 “Буюртмачи” Фазначилик бошқармаси орқали “Пудратчи”га шартноманинг 2-бўлимида кўрсатилган маблағни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган харажатлар сметаси ва тўлов жадвалига мувофиқ тўлаб боради.

3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи”га саклаш ишларини бошлаш учун ойлик режанинг 40 фоизи миқдорида олдиндан аванс (бўнак) маблағи тўлайди, колган сумма харажатлар сметаси асосида бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олиниб, бажарилишини тасдиқловчи хужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин тўлаб берилади (ойма-ой харажатлар тасдиқланган харажатлар сметасидан ошишига йўл кўйилмайди).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан тегишли ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмайди.

3.4. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини саклаш ишларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган максадга эга бўлади ва тегишли автомобиль йўлларини саклаш ишлари билан боғлиқ бўлмайдиган эҳтиёжлар учун олиб кўйилмайди ёки сарфланмайди. (Қонун хужжатларида назарда тутилган холлар бундан мустасно).

### IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1. “Пудратчи” ушбу шартномага мувофиқ саклаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача бажариб, бажарилган ишларни тўловга тақдим этади.

4.2. “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар учун шартноманинг 3.2-бандига асосан аванс маблагларини жорий ойнинг 15-санасигача бажарилган ишлар учун бажарилишини тасдиқловчи хужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин 5 кун ичida тўлаб беради.

4.3. Шартноманинг амал қилиш муддати :

2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Фазна ижроси қоидлари” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибида Фазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 5 январдан тарафлар ўртасидаги бошланган муносабатларни тартиба солишга қаратилган бўлиб, 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

4.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

### V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 Пудратчининг ҳуқук ва мажбуриятлари :

5.1.1. Ўз кучи маблағлари ҳисобидан ишларнинг календарь режасига белгиланган хажмда, муддатларда ва сифатли қилиб барча ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га лойиха-смета хужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишларни камчиликларсиз топшириш;

5.1.2. Ўзига бириктирилган автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни, йўл жиҳозларини асрар, таъмирлаш, ривожлантириш ва тақомиллаштириш ҳамда йўл хизмати кўрсатиш.

5.1.3. Йўлларни саклаш жараёнидан Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари тұғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2011 йил 31 декабрдаги 352-сонли қарори билан тўлдирилган «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва саклаш ишлари ТАСНИФИ”га ҳамда тизимдаги йўл корхоналарининг

“Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси” олдидағи мажбуриятлари тўғрисидаги ижро хужжатларига қатъий риоя килиш;

5.1.4. Йўл мінтақасидан самарали фойдаланиш ва уни амалдаги қонунлар ҳамда меъёрий хужжатлар талабларига мувофик равиша саклаш;

5.1.5. Саклаш ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф мухитни, йўл мінтақасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

5.1.6. Йўлларда бажарилиши зарур бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиқкан оқибатлар учун “Пудратчи” тўла жавоб беради.

5.1.7. Бажарилган саклаш ишлари “Буюртмачи”га топширилгунга қадар бажарилган ишларнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

5.1.8. “Пудратчи” ўзи хизмат кўрсатадиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган соз ҳолатда сакланиши учун жавобгардир. Автомобиль йўлининг тегишли бўлагида (йўл шароити билан боғлик) йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштиришда вакил сифатида иштирок этади.

5.1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг 21-22-моддаларига асосан йўл мінтақасида йўл ишлари билан боғлик бўлмаган ҳар қандай ишларни амалга ошириш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Буюртмачининг ҳукук ва мажбуриятлари:

5.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда бажарилган саклаш ишлари учун харажалар сметасига асосан “Пудратчи”га ҳақ тўлаш;

5.2.3. “Пудратчи” томонидан бажарилган саклаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача қабул қилиб олиш.

5.2.4. Шартноманинг II-бўлимига ва илова қилинадиган харажатлар сметасига мувофик режалаштирилган маблаглар “Пудратчи” томонидан ўз вактида ўзлаштирилмаса ўзлаштирилмай қолган маблагни “Буюртмачи” қайтариб олиш ҳукуқига эга.

5.2.5 “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган саклаш ишларини исталган вактда назорат қилиш ва аниқланган камчиликлар бўйича далолатнома тузиш.

## **VI. БАЖАРИЛГАН САҚЛАШ ИШЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.**

6.1.1. “Пудратчи” саклаш ишларини томонлар ўзаро келишиб тасдиклаган харажатлар сметаси, лойиха смета хужжатларига мувофик равиша ташкил этади.

6.1.2. Алоҳида маъсулияттага эга конструкциялар ва яширин ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилиш бошланishiдан 3 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни хабардор қилади.

Агар яширин ишлар “Буюртмачи”нинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” яширин ишларнинг қисмини ўз ҳисобидан очишга, уни қайта тиклашга мажбурдир.

6.1.3. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучи билан “Буюртмачи” белгилаган муддатда сифатсиз бажарилган ишларни қайta бажаришга мажбурдир.

6.1.4. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарини юритади, дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.

6.1.5. Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”дан қабул қилиб олинмайди.

6.1.6. Буюртмачи” бажарилган саклаш ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини буйруқ асосида тайинлайди. У “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Бажарилган ишлар учун фойдаланилган материаллар сифати “Пудратчи” зиммасида бўлади.

6.1.7. Техник назоратчи ёки “Буюртмачи” томонидан тузилган комиссия ишлар бажарилишининг олиб борилиши ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳукуқига эгадир.

6.1.8. “Пудратчи” назоратчини бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва иш жойига бориб келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди.

6.1.9. Назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун техник Кенгашга таклиф киритади, йигилишларда мунтазам қатнашади.

6.1.10. Инспекция назорати олиб бориш ва ишларни қабул қилишда “Пудратчи”га тобе бўлмаган ихтинослашган ташкилотни жалб қилган ҳолда тегишли ўлчов текширувларини амалга ошириш ҳукуқига эга. Мазкур текширувлар ва лабаратория хulosалари учун “Пудратчи” томонидан ҳақ тўланади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР.**

7.1. Тарафларнинг ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасdir. (Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий оғатлар, харбий ҳаракатлар киради).

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 2 ой давомида амал қилиб турса ва якин муддат ичida бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташабbusi билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йули билан бекор қилиниши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. "Буюртмачи" ушбу шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган мажбуриятларини ўз вактида бажармаганида "Пудратчи"га кечикирилган сумманинг кунига 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.2. "Пудратчи" мазкур шартнома шартларига мувофик зиммасига олган мажбуриятларни ўз вактида бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда "Буюртмачи"га кунига бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеняни ҳисоблаш учун бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар далолатномаси асос бўлиб ҳисобланади ҳамда техник назоратчиларнинг билдиргиси ва маълумотномасига асосан кейинги бажарилиши лозим бўлган ишлар суммасидан чегириб колинади.

8.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса бу низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари ва уларга мувофик равишда кабул қилинган меъёрий хужжатлар асосида иктисадий судларига мурожат килиш йўли орқали ҳал этилади.

## IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ.

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар копланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. "Буюртмачи" кўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Ишларни тугатишининг шартномада белгиланган муддати "Пудратчи"нинг айби билан узлуксизлиги кетма-кет икки ой таъминланмаганда, "Пудратчи" томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- "Пудратчи" томонидан курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати меъёр талабларига жавоб бермаганида;
- "Пудратчи"нинг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойихада назарда тутилган ишлар сифати пасайганда;

- "Пудратчи"нинг шартнома шартларини тўлиқ бажариш имконияти йўклиги ҳолати мавжуд бўлса.

9.4. "Пудратчи" кўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли :

- "Пудратчи"га боғлик бўлмаган сабабларга кўра таъмирлаш ишлари "Буюртмачи" томонидан икки ойдан ошик муддатга молиялаштириш тўхтатилса;

- "Буюртмачи" бажарилган ишларни молиялаштириш имкониятини йўқотган бўлса.

9.5. Шартнома бекор қилинганда "Буюртмачи" ва "Пудратчи"нинг биргаликдаги келишувига мувофик тугалланмаган таъмирлаш ишлари "Буюртмачи"га топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини "Пудратчи"га тўлаши лозим.

9.6. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш карорига келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт. Билдиришномани олган тараф 5 кунлик муддат ичидаги унга нисбатан ўзининг жавобини қайтариши лозим. Ушбу белгиланган муддатда жавоб қайтарилмаганда иккинчи тараф шартномани муддатидан олдин бекор қилишга рози эканлиги эътироф этилади ва шартномавий муносабатлар тугатилади. Шартнома 9.3. ва 9.4-банларда кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор қилинганида иккинчи тараф бу ҳақида билдиришномани олган вақтдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОХЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

Бухоро вилояти автомобиль йўллари  
худудий бош бошкармаси

Манзил: Бухоро ш. Гиждувон кучка 272 уй  
Телефон :228-50-03

Ш.х/р 304510860064017045162118001  
Бюджетдан маблаг олуви СТИР 201188890  
ОКОНХ 97400

Газначилик булинмаси номи:

Бухоро Вилоят Газначилик бошкармаси  
Газна х/в 23402000300100001010  
Банкинг номи: Марказий банк  
ХКИА - МФО 00014  
Газначилик булинмаси СТИР 201122919

Бош бошкармаси   
бошшаси:  Ш. Абдуллоев

Юрист:  X. Шаропов

«Пудратчи»

Бухоро туман йўллардан  
фойдаланиш унитар корхонаси

Манзил: Галоосиё ш. Зарафшон кучка № 8

Тел: 54-25-156  
х/р 2262 6000 9004 1720 3003

банк: ТИФ Миллий банк Бухоро вил. бўлинмаси  
МФО: 00084 ИНН 200996679  
ОКОНХ: 61129  
ОКЕД : 42110

Директор:  У.Рахматов

Юрист:  А.Мўминов



Автомобилин туплини кузудай боли башкармасининг буюртмасига асосан Бухоро ТИФУК томонидан давлат ахамиятдаги умумийотини түшларни сикланишилари бўйича 2022 йил режаси.



"Келишими" тарбия  
Бухоро АИДИЗИйини!

Ш. Абдуллаев

2022-йил

Автомобилин туплини кузудай боли башкармасининг буюртмасига асосан Бухоро ТИФУК томонидан давлат ахамиятдаги умумийотини түшларни сикланишилари бўйича 2022 йил режаси.

Шу резултатдан чораси бўйича

№	Ичишларнинг номи	Бўйим	Узунлини ти км дан - км гача	Иншор	Фирмал	Март	2-юни нчек	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	4р-68 "Гала Осиё", Ромитан-А-380 Гузорли Нукус-Бейнеу айнуби	0-й км	30000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00	10000,00
2	4р-72" Дальмун- Кишибиба-Чортку-А-380- Гузор-Нукус-Бейнеу	0-9 км	46953,00	46953,00	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000	15631,000
	Жадами:		760233,000	769233,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000	256631,000
	АУП		230015,000	230015,000	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00	75615,00
	Жадами:		3467008,000	3467008,000	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00	102336,00

Автомобилин кўнгарни кузудай боли башкармаси вакильи:

ИЧТ бўлим башшити:

Р.Хафисов

Ш.Курагашев